Газета 1997 йил
27 августдан чиқа
бошлаган

1999 йил,
22 сентябрь, чоршанба
38 (102)

МУСТАҚИЛЛИК

ҲУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

• *Муҳим сиёсий кампания*

МУСТАҚИЛЛИК ДЕМОКРАТИЯСИ ВА ДЕМОКРАТИЯ МУСТАҚИЛЛИГИ

Демократия халқ ҳокимияти демакдир. Халқнинг ҳокимиятга қай даражада эга эканлиги эса сайловлар жараёнида кўринади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин замирида инсонпарварлик ва демократик ғоялар устивор бўлган, халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос келадиган қатор қонунлар қабул қилинди. Сайловларга дахлдор қонунларимизни ҳам шулар қаторига қўшиш мумкин.


Дарҳақиқат, сайловни ўтказиш тўғри ташкил этилса, фуқаро ва жамият манфаатларига мос давлат вужудга келади. Сайлов фақат давлат ҳокимияти тузилмаларини ташкил қилиш, уларга ўз вакилларини сайлашгина эмас, айни пайтда ўша ҳокимият органлари фаолияти устидан назорат ўрнатиш усули ҳамдир. Шундай экан, фуқаролар ўзларига берилган сайлов ҳуқуқидан тўла фойдаланган ҳолда сайловларда фаол иштирок этишларини таъминлаш, бунинг учун эса биринчи ўринда аҳолининг сиёсий фаоллигини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш лозим. Бу борада ОАВ имкониятларидан тўла фойдаланган ҳолда сайлов тўғрисидаги қонунлар моҳиятини фуқаролар онгига етказиш муҳим аҳамият касб этади. Мухбиримиз Марказий сайлов комиссияси матбуот гуруҳининг катта референти Тўлқин Эшбеков билан шу ҳақда суҳбатлашди

- Тўлқин ака, мамлакатимизда сайлов ўтказилиши жараёни барча давлатларнинг диққат-эътиборида бўлади. Суҳбатимиз аввалида сайлов тўғрисидаги қонунлар тизими ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

- Авваломбор шуни айтишимиз жоизки, бизда сайловнинг умумжаҳон миқёсида эътироф этилган қонун-қоидаларга мос тушадиган қонунчилик асослари юзага келган.Сайловни ташкил қилиш ва ўтказишнинг кучли ҳуқуқий асослари мавжуд деб айта оламиз. Жумладан, Конституциямизнинг XXIII боби «Сайлов тизими»га бағишланиб, унда жаҳон миқиёсида ўзини оқлаб келаётган сайлов ҳуқуқининг асосий тамойиллари — умумий, тўғри, тенг, яширин овоз бериш йўллари қонуний жиҳатдан мустаҳкамланган ҳамда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқидан фойдаланишида ҳеч қандай чеклашларга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Конституциядаги мазкур қоидаларни амалга ошириш учун сайлов тўғрисида қатор қонунлар қабул қилинган. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

(Давоми 2-бетда)



Тошкентда шу йилнинг 11-18 сентябрь кунлари дунёнинг 26 мамлакатидан 80 га яқин спортчи иштирок этган «Президент Кубоги» халқаро теннис турнири якунланди. Олтинчи марта ўтказилган ушбу турнирда ғолибликни германиялик спортчи Николас Кефир (суратда) қўлга киритди.

(ЎзА сурати)

• *Шу сонга мактуб*

ТИНЧЛИК СИЁСАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Доно халқимиз «Қўшнинг тинч, сен тинч», дея бежиз айтмаган экан. Мана, бир ойдирки, қўшни Қирғизистонда кечаётган воқеалар мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини ташвишга солмоқда. Биз бу ташвишни бир гуруҳ террористлар тахдидидан қўрқиш ёки талвасага тушиш эмас, балки қирғиз биродарларимизнинг тинчлиги бузилганлиги билан изоҳлаймиз.

Президентимиз юритаётган сиёсат туфайли республикамизнинг нафақат, Марказий Осиёда, балки бутун жаҳон ҳамжамиятида нуфузи кундан-кун ортиб бораётганлиги, тўғриси, айрим ғаламис кимсаларга ёқмай турибди.

Улар қандай йўллар билан бўлмасин, фаровон турмушимизга путур етказишга уринмоқдалар. Қирғизистоннинг юртимиз билан чегарадош ҳудудларида рўй бераётган ҳозирги воқеалар ҳам уларнинг ана шундай қабиҳ мақсадлари йўлидаги уринишларидир. Аммо, уларнинг хомхаёллари чиппакка чиқиши турган гап. Негаки, ўзбек халқи ўзи танлаган йўлнинг порлоқ келажагига, юртимизнинг истиқболига қатъий ишонади. Буюк бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган, одамлар бахт-саодати, иқболи учун тиним билмай курашаётган Президенти атрофида ҳар қандай вазиятда ҳам жипслаша олади. Шунингдек, ҳар қандай ғанимдан ҳимоя қила олади.

Биз юртбошимизнинг нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё халқларининг тинч-тотув яшаши йўлидаги тинчликсевар сиёсатини чин дилдан қўллаб-қувватлаймиз ва қардош Қирғизистонда рўй берган террорчилик хуружларига нуқта қўйилишига ишонамиз.

Қашқадарё вилояти, Баҳористон туман Давлат солиқ инспекцияси жамоаси

• *Ҳамкорлик*

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ТИКЛАНМОҚДА

Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш бўйича халқаро конференция бошланди. У «Ўзавтойўл» концерни ташаббуси ҳамда Халқаро йўл федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Конференцияда Марказий Осиё давлатларидан ташқари Хитой, Туркия, Грузия, Озарбайжон, Сурия ҳамда бошқа мамлакатлардан, шунингдек, БМТ, Халқаро йўл федерацияси сингари нуфузли халқаро ташкилотлардан вакиллар қатнашмоқда.

Анжуманнинг биринчи кунида йўл транспорти тармокларининг ривожи ҳамда йўл инфратузилмалари ҳақида иштирокчи мамлакатларнинг ҳисоботлари тингланди.

КЕЙИНГИ СОНДА:

«80 МИНГ СЎМ ПУЛ ВА ИНСОН ҲАЁТИ»

СПИД XXI АСРДА ҲАМ ХАВФЛИ КАСАЛЛИК БЎЛИБ ҚОЛАДИМИ?

ШОИР ВА ДРАМАТУРГ МАШРАБ БОБОЕВ БИЛАН МУЛОҚОТ

• *Муҳим сиёсий кампания*

МУСТАҚИЛЛИК ДЕМОКРАТИЯСИ ВА ДЕМОКРАТИЯ МУСТАҚИЛЛИГИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Энди асосий гап — мазкур қонунлар ижросини таъминлаб, бу масъулиятли жараёнда адолат мезонларига тўла амал қилишда.

—Сайловдан сайловгача бу борадаги қонунларимизда қонунчилигида қандай ўзгаришлар бўлди?

— Республикамизда кейинги йиллар давомида сайлов тизимини ислоҳ қилишга қаратилган талай ишлар амалга оширилди.

Амалдаги қонунлар талабидан келиб чиқиб,

-қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар;

-диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари;

-сайлов тайинланган кунига қадар сўнгги 5 йил мобайнида республика ҳудудида доимий яшамаган фуқаролар номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

Ҳукумат аъзолари, судьялар, Бош прокурор ва прокуратура органларининг мансабдор шахслари депутатлик мандати учун курашадиган бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан озод этиш тўғрисида ариза берган тақдирдагина улар номзод этиб рўйхатга олинадилар.

Бундан ташқари, ҳарбий хизматчилар, МХХ,ИИВ ва бошқа ҳарбийлашган бўлинмаларнинг ходимлари ҳам номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

Дарҳақиқат, сайлов тизимида номзодларни рўйхатга олиш сайлов жараёнининг энг муҳим нуқтаси бўлиб, ҳалол ва эркин сайловлар ўтказилишининг гаровидир. Номзодларни рўйхатга олишдаги юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларнинг мавжудлиги, яъни собиқ мустамлака даврида марказий сайлов комиссияси томонидан профессионал ёндашув бўлмагани туфайли сайловчилар ва депутатликка номзодлар томонидан суд органлари ва турли маҳкамаларга қилинган мурожаатлар кўлами ортиб кетган эди.

1993 йилда қабул қилинган сайлов тўғрисидаги янги қонунларимиз бу иллатларга кескин чек қўйди. 1998 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонун сайлов амалиётига профессионал ёндашувнинг янги қирраларини очиб берди.

Бундан ташқари сайлов тизимида илгари 5 фоизли барьер усулига амал қилинарди. Бу йилги сайловларда эса бу усулдан воз кечилди. Яна бир ўзгариш шуки, юртимизда демократик тамойилларга тўла амал қилинган ҳолда бу сайловда қатнашаётган сиёсий партиялар сони анча ошди. Сайловда 5 та сиёсий партиялардан президентликка номзодлар кўрсатилади.

Булар «Адолат» социал-демократик партияси, «Ватан тараққиёти партияси, «Миллий тикланиш» партияси, «Фидокорлар» миллий-демократик партияси ва Халқ демократик партияси.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, сайлов тизимининг халқаро андозаларига мос равишда бу галги сайловда мамлакатимизга ташриф буюрган кузатувчиларнинг сайлов жараёнида амал қилиши лозим бўлган ахлоқий нормалари белгилаб қўйилган.

—Мамлакат тараққиёти ва халқнинг келажаги албатта, шу сайловлар натижасида сайланадиган вакилларга боғлиқ. Бу жараёнда сайловчиларнинг масъулияти қаттадир. Бугунги ҳуқуқий демократик жамиятимизда ўтказилаётган сайлов жараёни илгари бюрократизм замонидаги номигагина ўтказиладиган сайловлардан тубдан фарқ қилиши лозим. Шу жиҳатдан олиб қараганда фуқароларимиз сайловга тайёрми?

- Бу борада «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун юртдошларимиз учун муҳим дастуриламал вазифасини ўтайди.Бу қонун сайлов тўғрисидаги бошқа қонунларга қўшимча равишда фуқароларнинг кафолатларини кенгайтиради. Фуқароларга сайлов блютени бериларкан, унга жуда катта имконият яратилади. Ҳар бир фуқаро бу масалага онгли равишда ёндашиши лозим. Чунки ҳар бир сайловчи ўзи овоз бераётган шахсга ўз тақдирини,қолаверса, давлат тақдирини ишониб топширган ҳисобланади. Фуқаролар шундай улкан масъулиятни ҳис қилгандагина муносиб номзодга овоз бериши мумкин. Бунинг учун эса сайловчи ўзи овоз бераётган номзод ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши лозим.

Бу йўналишдаги ишларни кенг миқёсда амалга ошириш мақсадида Марказий Сайлов комиссияси таркибида Матбуот маркази ишга туширилди. Марказ халқаро андозалар асосида жиҳозланган бўлиб, унда журналистлар сайлов борасида исталганча маълумот олиши, ҳамкорликда фаолият кўрсатиши, махсус ҳужжатлар ва кутубхона, компьютер, халқаро телефон алоқа тармоқларидан фойдаланишлари учун барча имкониятлар мавжуддир.

XXI бўсағасида ўтаётган бу сайловлар мустақиллик берган демократик ҳуқуқларимизнинг ўзига хос кўриги бўлади. Айни пайтда фуқароларимиз демократия мустақиллигининг моҳиятини англаб олишлари учун ўзига хос мактаб бўлиб қолади.

Суҳбатдош Мехри БОЛЛИЕВА

Ҳеч ким ҳеч қачон алданмаслик учун жон-жаҳди билан тиришадиган одамчалик қаттиқ алданмайди.

КЛОД-АНДРМАН ГЕЛЬВЕЦИЙ

• *Ғолибларимиз*

«МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР»

ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Газетамизнинг 31 август сонида таҳририятимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккиз йиллиги муносабати билан ўтказилган «Мустақиллик ҳуқуқ демакдир» танлови якуний босқичга етгани ва танловнинг ғолиблари хусусида ёзган эдик.

Ўтган жума куни Республика прокуратурасида ҳамда Тошкент шаҳар прокуратурасида танлов ғолибларини мукофотлаш маросими бўлиб ўтди. Танловда биринчи ўрин Андижон вилояти Балиқчи туман прокурори О.Шодмонов («Миллатнинг буюк бойлиги» мақоласи учун) га, иккинчи ўрин журналист М,Тўрабоева («Озодлик ҳақида дарс» мақоласи учун)га ҳамда учинчи ўрин ёзувчи Йўлдош Парда («Покланиш ва иймон сари» мақоласи учун)га насиб этди. Шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар билан Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим бошлиғи С.Ниёзметова, газетамизнинг масъул котиби Д.Исломов ва фотомухбир Р.Шарипов тақдирландилар.

Танлов ғолибларига мукофотларни «Қонун ҳимоясида» ва «Ҳуқуқ» газеталари бирлашган таҳририятининг Бош муҳаррири А.Абдураззоқов ва Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари О.Холматов топширди.

БАРЧА СОВРИНДОРЛАРНИ ГАЗЕТХОНАРИМИЗ НОМИДАН ҚИЗҒИН ҚУТЛАЙМИЗ!



Танлов совриндори С.Ниёзметова.



III ўрин соҳиби Йўлдош Парда



«Энг ўткиркўз фотомухбир»га аталган мукофотни суратқаш Р.Шариповга Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари О.Холматов топширмоқда.

Д.ЮСУПОВ олган суратлар

• *Ажаб ҳангомалар*

ТИЛЛО ҚАСР ҚУРГАНМИ?

Музработ тумани деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Исмоил Азизовнинг мутахассислиги иқтисодчи. Бош ҳисобчи Ҳ.Мирзақулов ҳам кўкрагига уриб юрадиганлардан. Ана шундай шоввозларнинг ҳисобини йўқотиб қўйганлигига нима дейсиз?

Шу йил 1 июнь ҳолатида хўжаликнинг кредитор қарзи 90 млн. 992 минг сўмга етди. Ҳайрон қоласан, киши. Бунча пулни нима мақсадда ишлатишди экан: тилло қаср қуришганми ёки самолёт сотиб олишганми? Дарвоқе, бу бошқа масала. Ҳамма гап шундаки, ана шу маблағни эгаларига тўлаб, қарздан тезроқ қутулишни хаёлларига келтиришмаяпти. Пайсалга солишгани солишган. «Эрта-индин»лари сира тугамайди. «Олганда ботмонлаб олиб, берганда мисқоллаб беради», қабилидаги ибора шу каби кимсаларга нисбатан айтилган бўлса керак.

Уларни ўзгаларнинг ҳисобида турган ҳақларини ундириб олиш ҳам қизиқтирмайди. Бунда не сир-синоат бор - ўзларига аён.

Алқисса, туман прокуратураси ўзларининг ушбу хатти-ҳаракати билан уюшмага катта миқдорда зарар етказганлиги учун И.Азизов ва Ҳ.Мирзақуловдан хўжалик фойдасига 60300 сўм ундириш тўғрисида судга даъво аризаси киритди.

ЭРГАШБОЙНИНГ НАЙРАНГИ

Эргаш Бобоқулов фермер хўжалиги туздию, босартусарини билмай қолди. «Энди билган ишимни қилаверараман», деган хом хаёлга борди.

Бу йил Қумқўрғон туман фермер хўжаликларига қарашли у раис бўлган «Бобоқул бобо» фермер хўжалигига 10 гектар ер ажратилди. Режага кўра, ана шу майдонда тўлиқ пахта етиштирилиши керак эди. Аммо Эргашбой 4 гектарига чигит қадади, холос. Қолган қисмига сабзавот уруғи сепган.

Афсуски, Қумқўрғонда бундай ўзбошимча фермерлар кўп. Бироқ, мутасадди раҳбарлар негадир, уларнинг жиловини тортиб қўйишмаган. Балки, прокуратура аралашувини кутишгандир.

— Ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳолатига нисбатан қонуний баҳо бердик, — дейди туман прокурори Б.Мўминов. — Мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда айбдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш учун туман ҳокими номига тақдимнома йўлланди.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ, «Ҳуқуқ» мухбири

• *Ҳуқуқий давлат сари*

Биз орзу қилаётган, саъй-ҳаракатларимиз билан интилаётган демократик жамият меъёрларига фаолиятимизни мувофиқлаштириш ҳали талаб даражасида деб бўлмайди. Тўғри, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Маълум ютуқларга эришиляпти. Аммо, шу билан бирга кўплаб хато-камчиликларга йўл қўйиляпти. Хусусан, учинчи ҳокимият ҳисобланган суд тизими ҳам бундан мустасно эмас.

Биз матбуотда, бошқа оммавий ахборот воситаларида судларимиз одиллик сари дадил юз бурганлиги хусусида қанчалик кўп гапирсак-да, амалда баъзи фуқароларнинг одил судловга бўлган муносабати айрим ҳолларда бизнинг қарашларимизга номувофиқ келмоқда. Нега? Сабаби, бу жараённи амалиётда бошдан ўтказган фуқароларнинг судларда қонунларни нотўғри талқин этилиши натижасида ғайриқонуний ҳукмлар чиқарилиши оқибатида баъзи «иш»лар ҳали у, ҳали бу босқич судлари атрофида йиллар давомида айланиб қолмоқда. Жумладан, биз қуйида суҳбатимизга мавзу сифатида танлаган судларда фуқаролик ишлари кўрилишида айниқса, бундай ҳоллар кўп такрорланаётир.

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси Ислом ЖАСИМОВ билан бўлган мулоқотимизда, суҳбатдошимиз судларнинг бу йўналишдаги «иш»лари хусусида қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди:

СУД ҚАРОРИ

ЁХУД СУД ЖАРАЁНИ НЕГА ЧЎЗИЛИБ КЕТМОҚДА?

— Жамиятда инсон ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликларининг қай даражада эканлигини суд фаолияти мисолида баҳолаш ҳам мумкин. Бу ўринда суд фаолиятига асосий мезон сифатида қаралса ҳам янглиш бўлмайди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг Конституцион ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари бузилиш ҳолатларини суд орқали ҳимоя қилишга, ҳар қандай «иш» юзасидан қонуний, адолатли ҳукм, қарорлар чиқарилишига жиддий эътибор берилаётганлигини инсон ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини янада юқори босқичга чиқариш йўлидаги ҳаракатларга йўйиш мумкин.

Лекин, ҳали соҳада эришилган ютуқлар соясида қонунбузилиш ҳоллари давом этаётганлигидан кўз юммаслик керак. Бу фуқаролик ишлари кўрилишида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, судлар томонидан ишга алоқадор далилларнинг ҳар тарафлама ва холисона аниқланмаслиги, фуқароларнинг келтирган важлари тўлиқ текширилмаслиги, ҳатто иш материалларини қалбакилаштириш, процессуал ва моддий қонунлар бузилиши ёхуд нотўғри тадбиқ этилиши учраб турибди. Натижада, айрим фуқаролик ишлари саноқсизликда қолиб кетаяпти, ғайриқонуний қарорлардан норози бўлган фуқаролар эса ойлаб, йиллаб бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклай олмасдан, судма-суд овора бўлиб юрибдилар. Бу эса ўз навбатида уларнинг онгида одил судловга бўлган салбий муносабат уйғонишига сабаб бўляпти.

Ушбу фикрларимнинг исботи сифатида қуйидаги рақамларни келтираман: 1997 йилда кассация ва назорат тартибида 2293 та, 1998 йилда 2296 та ҳал қилув қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса, фақатгина шу йилнинг ярмида 1326 та ноқонуний қарор бекор қилинган.

Хўш, вазият нега бундай? Аниқланишича, бекор қилинган ёки ўзгартирилаётган ҳал қилув қарорларининг сон жиҳатдан ўсишининг асосий сабабларидан бири судларда фуқаролик ишлари биринчи кўрилишида тўғри ҳал этилиши учун қонунда белгиланган чораларга эътибор қилинмайди ёхуд ишлар кўрилиш учун юзаки ва сифатсиз тайёрланади. Оқибатда далилларга холисона, қонуний баҳо берилмайди.

Эътиборингизни қуйидаги мисолга қаратмоқчиман: Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро П.Водолазов муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги ўзига тегишли суд қароридан норози бўлиб Республика прокуратурасига мурожаат этган. Мазкур иш ўрганиб чиқилганда маълум бўлдики, унинг фарзандлари ғаразли мақсадда оталарини муомалага лаёқатсиз деб топиш хусусида судга мурожаат этганлар. Мирзо Улуғбек туман суди эса даъво ариза тушган куниёқ ҳеч қандай тайёргарликсиз процессни бошлаган. Судья иш ҳолатларини атрофлича текшириш ўрнига, судга ариза келиб тушмасдан олдин П.Водолазовга нисбатан ҳар хил маълумотлар тўплаш ишлари билан шуғулланган. Экспертиза тайинлаш, ишни кўришга тайёрлашда қонун талаблари бажарилмаган. Иштироки шарт бўлган васийлик ва ҳомийлик органи вакили ҳам судга чақирилмаган. Туман судининг 1998 йил 29 апрелдаги мазкур ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар судининг 1998 йил 18 июндаги ажримини бекор қилиш ҳақидаги Олий суд назорат тартибида келтирилган про-

(Давоми 5-бетда)

ХАЛҚАРО ҲАЁТ


Душанбадан сешанбага ўтар кечаси Тайванда бўлиб ўтган кучли ер силкинишлари оқибатида 1100 нафар киши ҳаётдан кўз юмган. Тахминларга кўра 13 мингдан ортиқ одамнинг жасади вайроналар остида ётибди.

Бутун жаҳон оммавий ахборот воситалари собиқ СССРнинг экс президенти М.Горбачёвнинг рафиқаси Р.Горбачёванинг 67 ёшида оққон касали туфайли Германия шифохоналаридан бирида вафот этганлиги тўғрисида хабар тарқатдилар.

Собиқ президент рафиқасининг жасадини ватанига келтириш учун Россия президенти Б.Ельцин шахсий самолётини ажратган.

Россия ҳарбий ҳаво кучларига қарашли ҳарбий транспорт самолёти айни кунларда Қирғизистон ҳудудига бостириб кирган террористларни тор-мор этишга ҳаракат қилаётган мамлакат ҳарбийларига ёрдам тариқасида бир неча юз ҳарбий аслаҳалар келтирган.

БМТнинг тинчликпарвар кўшинлари Шарқий Тимор қирғоқларига мингдан ортиқ ҳарбий хизматчини туширди. Ўз фаолиятини бошлаш арафасида турган тинчликпарвар кучларга Австралия ҳарбий кучлари етакчилик қилмоқда.



Суратда: Сирдарё вилоят прокуратураси тергов бўлими бошлиғи С.Хўжаназаров, Шароф Рашидов тумани прокуратураси терговчиси А.Эсиргапов ва Гулистон тумани прокурори Б.Усмановлар иш устида.

• *Таклиф*

Оила — давлатнинг бир бўлаги. Оиланинг тинч-тотувлиги, фаровонлиги мамлакат ҳаётини ўзида акс эттирувчи ўзига хос бир кўзгудир, десак янглишмаймиз.

НОРАСМИЙ НИКОҲ НОҚУЛАЙЛИКЛАРИ

Яхши маълумки, оила тенг ҳуқуқли иккала ёшнинг ўзаро розилиги асосида қурилган никоҳ мевасидир. Оиланинг замини мустаҳкам, кўрғони бут бўлишига унга асос солмай туриб эътибор қаратиш лозим. Кейинги вақтда тез-тез такрорланаётган ҳоллар шундай хулоса чиқаришга ундайди.

Маълум бўлишича, кўплаб ёшларимиз аҳду паймонларини диний - яъни никоҳ ўқитиш йўли билан мустаҳкамлашни лозим топишади-да, қонуний равишда никоҳдан ўтишни орқага суришади. Натижада оилада фарзанд туғилганда тегишли маълумотларни олиш жараёнида ўзига хос муаммолар пайдо бўлади. Баъзи ҳолларда эса бола туғилмасдан туриб эр-хотин ажралишиб кетади. Турмушлари бузилгандан кейин туғилган фарзандларини эса баъзи оталар тан олишмайди. Бундай ҳолларда эса чақалоққа онасининг фамилияси берилади. Бошқа тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳам қатор қийинчиликлар келиб чиқади.

Юқоридагиларни баён этишдан мақсадим шуки, маҳалла оқсоқоллари, дин уламолари ёшлар биринчи навбатда қонуний равишда никоҳдан ўтмасдан туриб, диний никоҳ ўқитишларига рухсат бермасалар, фойдадан холи бўлмасди.

Шу йўл билан балким, ноқонуний тузилиб, кўп ўтмай барбод бўлаётган оилаларнинг кўпайиш ҳолларига ҳам чек қўйиш мумкиндир. Албатта, бу менинг шахсий таклифим. Юқорида айтганимдек, ҳар бир ишимизга бош-қош бўлган маҳалла оқсоқоллари, жамоатчилик фаоллари бу борадаги фикр ва таклифларни ўрганиб, маълум бир қарорга келсалар ёмон бўлмасди.

Зебинисо ГИЁСОВА,
Нарпай тумани ФҲДЁ ходими

«ҲУҚУҚ» ХАТҚУТИСИДАН

Таҳрирсиз хат

ШИКОЯТ ЁЗИШГА МАЖБУРМИЗ...

Ҳурматли таҳририят!

Биз, Боёвут туман пахта тозалаш заводининг бир гуруҳ ишчилари сўнгги илинж сифатида Сизларга хат йўллашга мажбур бўлдик.

Аризимиз Сизлар учун янгилик бўлмаган иш ҳақининг ўз вақтида тўланмаслиги хусусида. Гап шундаки, жорий йилнинг 10 майига келиб заводда қайта ишлаш учун пахта хом ашёси тугади. 1998-99 йиллар давомида 23000 (йигирма уч минг) тонна пахтани қайта ишладик. Ана шу иш ҳақимиз учун фақат аванс олдик, холос. Тўлиқ иш ҳақимиз эса фақатгина бир марта 1998 йилнинг сентябрь ойи учун берилди. Қолган ойлар учун эса 1000-2000 сўмдан маош тўлаб келишди.

Иш ҳақимизни сўраб завод раҳбариятига мурожаат қилсак, ҳисоб рақамимизда пул йўқ, деб жавоб қайтаришади. Унда корхона ниманинг ҳисобидан ишлаб келаяпти? Бизнинг меҳнатимиз эвазига эмасми? Шундай бўлгач, биз ўз ҳақимизни талаб қилишга ҳаққимиз бор-ку?! Ҳар қалай, 1999 йилгача пахта ёғи, хўжалик совуни бериб келишарди. Бугунги кунга келиб шу ҳам тўхтади.

Заводни қайта таъмирлаш керак бўлди-ю, Хоразмдан усталар ёлланди. Улар шартнома асосида ишладилар. Нега энди усталарнинг ҳар бирига ўз вақтида 20 минг сўмдан иш ҳақи тўлашга пул топилади-ю, доимий ишлаб келган биз завод ишчиларига маош тўлаш учун ҳисоб рақамимизда пул топилмайди? Буни қандай тушуниш мумкин?

Яна бир масала. Ишчилардан 140 нафарга яқини шартнома асосида ишга қабул қилинганлиги расмийлаштирилгану, аслида эса улар бор-йўғи 8 та кишини ташкил этади, холос. Демак, бу ерда қўшиб ёзиш орқали давлат маблағларини ўзлаштиришга ҳам йўл очиб қўйилганлиги сир эмас! Завод директори Ўктам Ўроқбоев, бош ҳисобчи Равшан Жўраев, бош муҳандис Қодир Усмоновлар емоқнинг қусмоғи борлигини наҳотки унутган бўлсалар? Пахта толаси-ю, чигитдан тортиб, заводга келган эҳтиёт қисмларгача талон-тарож этилаётганлиги завод ишчихизматчиларига ойдай аён бўлса-да, лекин, юрак ютиб шу пайтгача бу ҳақида бирон жойда оғиз очолмадик. Наҳотки, улар давлат мулкини талон-тарож қилишни яна давом эттирсалар?

Бундай бошбошдоқликка барҳам берадиган, корхоналарни назорат қиладиган бирон бир ташкилот борми?! Бизнинг иш ҳақимизни ким тўлайди? Масаланинг мана шу томони бизни қийнайди. Бу масалада Сизларнинг ёрдамингиз тегиб, заводда бўлаётган қонунбузарликларга чек қўйилиши ва биз иш ҳақимизни олишдан умидвор бўлиб,

бир гуруҳ завод ишчилари номидан Б.АБДУХОЛИҚОВ

«Ҳуқуқ»қа жавоб берадилар

«Ким ижро этади?», 1999 йил 5 май

ҚАРОР ИЖРОСИ БАЖАРИЛДИ

Газетанинг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири Қ.Жўраназаров қаламига мансуб танқидий мақолада даъвогар Г.Ражапова Денов туман судига ўзи ва собиқ турмуш ўртоғига тегишли бўлган уй-жойни бўлиш ҳақида мурожаат этганлиги, шу масала юзасидан туман судининг ҳал қилув қарори чиқарилганлиги, вилоят судлов ҳайъати қарорни ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида ажрим чиқариб, қарор кучга кирган бўлса-да, уни ижро этиш пайсалга солиб келинаётганлиги танқид қилинган.

«Уй-жойни бўлиш ҳақида» даъвогар Г.Ражапованинг Денов туман судига ёзган даъво аризасига нисбатан туман судининг 1998 йил 10 декабрдаги ҳал қилув қарорининг ижроси бўйича жавобгарлар томонидан Г.Ражаповага уй-жойнинг тегишли қисми учун 1999 йил 23 август кунига қадар 700 минг сўм берилиши керак эди. Агарда тарафлар ўртасидаги ушбу келишув амалга ошмаган тақдирда 1999 йилнинг 24 августида уй мажбурий тартибда томонларга бўлиб берилиши кўрсатилган эди.

Аммо, тарафлар ўртасидаги ўзаро келишув битими амалга ошмайди. 1999 йил 24 август куни Денов туман суди суд ижрочилари қарор ижросини мажбурий тартибда амалга ошириш учун борганларида, жавобгар М.Ражапов ва унинг қариндошлари томонидан тўсқинлик қилингани учун бу ҳақда далолатнома тузилиб, ижро қилиш бошқа кунга қолдирилади.

1999 йил 28 август куни Денов туман суди ижрочилари томонидан холислар, маҳалла котиби, ИИБ ходимлари ва даъвогар Г.Ражапова, жавобгарнинг вакили С.Эрматовлар иштирокида суднинг ҳал қилув қарори тўлиқ бажарилган.

С.АКРОМХЎЖАЕВ,
Адлия вазирлиги судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш бошқармаси бошлиги

Материаллар Хатлар ва шикоятлар бўлими муҳаррири М.ДУСИЯРОВА томонидан тайёрланди

САВОЛЛАР, ЖАВОБЛАР, САВОБЛАР

1993 йилда Пешку туман ҳокими қарори билан 1,5 гектар ер олиб, «Шабок ая» деҳқон-фермер хўжалиги ташкил қилган эдик. Ишларимиз натижаси яхши бўлди. 1998 йили ўз имкониятларимизни ҳисобга олиб, туман ҳокимлигига қўшимча ер ажратиб беришни сўраб мурожаат этдик. Ҳокимлик илтимосимизни қаноатлантириб, 60,4 гектар ер ажратиб берди. Ва жаъми еримиз 61,9 гектарни ташкил этди. Шу билан бирга хўжалигимиз ҳам қайта рўйхатдан ўтказилди. Маълумки, фермер хўжалиги учун ер берилгач, дастлабки икки йил давомида ер солиғидан озод этилади. Туман солиқ инспекцияси 1,5 гектар ер учун солиқ олиши керак эди. Лекин, жорий йилга 60,4 гектар ер учун ҳам 300 минг сўм солиқ ҳисоблаб, 100 минг сўмини тўлашимиз кераклигини айтишди. Солиқчилар бу ўринда қонуний йўл тутишдими?

Б.МИРЗАЕВ, Бухоро вилояти

УШБУ САВОЛГА ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ Ш.САТТОРОВ ҚЎЙИДАГИЧА ЖАВОБ БЕРДИ:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 102-моддаси биринчи қисми 3-бандига мувофиқ фермер хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга ер солиғи тўлашдан озод этилади. Бу тартиб ягона ер солиғини тўлашда фермер хўжаликларига ҳам тааллуқлидир.

Мазкур тартибдан кўриниб турибдики, фермер хўжаликлари ер участкаси олган вақтдан эмас, балки давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб солиқ тўлашдан озод этиладилар.

Олий Мажлис томонидан 1998 йилда «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши билан уларнинг ер участкаси олиш тартиби ўзгарди. Шунинг учун уларнинг устави ҳам ўзгартирилиб, қайта рўйхатдан ўтказиш белгиланди. Аммо бу ҳол фермер хўжаликини қайта тузиш билан эмас, балки уставига ўзгартириш киритиш билан амалга оширилади.

«Шабон ая» фермер хўжалиги қонунда белгиланган имтиёздан бир марта фойдаланган. Хўжаликнинг қўшимча ер олганлиги иккинчи марта имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқини бермайди.

Қамоқ жазосини ўтаётган шахслар одоб-ахлоқда, юриш-туришда яхши фазилатларини кўрсата олса, уларга бирон-бир рағбатлантириш чоралари қўлланиладими?

А.ФАЙЗУЛЛАЕВ, Наманган вилояти

Ҳа, албатта.

Яхши хулқ-атвори учун маҳкумларга жазони ижро этиш муассасалари бошлиқлари ёки уларнинг ўринни босувчи шахслар томонидан ёзма ёки оғзаки тарзда ташаккур эълон қилиниши;

- маҳкумга илгари қўлланилган битта интизомий жазо муддатидан олдин рағбатлантириш тарзида олиб ташланиши;
- рағбатлантириш тарзида йил давомида маҳкумга кўпи билан иккита посилка, йўқлов ёки бандерол олишга, икки марта учрашувга рухсат берилиши;
- ҳар кунги сайр вақти бир соатга кўпайтирилиши мумкин.

Ҳурматли таҳририят!

Бир масалага аниқлик киритиб беришингизни сўраб мурожаат қиляпман. Узоқ бир қариндошимиз бундан бир йил илгари келиб, ўзини хонадонимизга рўйхатга қўйишимизни илтимос қилди. Уни рўйхатдан ўтказдигу, қайта кўрмадик.

Қариндошимизни рўйхатдан чиқариш учун судга мурожаат қилдим. Судья бу мумкин эмас, деб жавоб берди. Бошқа бир ҳуқуқшунос билан маслаҳатлашсам, уй-жой кодексининг 54-моддасига асосан шахс қаерда бўлишидан қатъий назар рўйхатдан ўчириш мумкин дейди.

Кимнинг гапига ишонсам бўлади?

Ф.ЮНУСОВА, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани

Фуқаро Ф.Юнусова қариндоши билан келишиб, бир йил муддатга (вақтинча) рўйхатдан ўтказишга рухсат берган бўлса ҳамда ушбу келишувга асосан, туман ИИБ паспорт бўлимининг тегишли ҳужжатларида бу ҳақда қайд этилган бўлса, вақтинча рўйхатдан ўтган шахс рўйхатда туриш муддати тугаган кундан бошлаб, рўйхатдан чиққан ҳисобланади.

Агар Ф.Юнусова қариндошини муддатсиз рўйхатдан ўтказишга рухсат берган бўлса, унда рўйхатдан ўтувчи доимий рўйхатда турувчи, деб ҳисобланади. Бундай ҳолатда, рўйхатдан чиқариш масаласи билан Ўзбекистон Республикаси паспорт тизими ҳақидаги Низомнинг 38-моддаси ҳамда уй-жой кодексининг 54-моддасига асосан, турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топиш ҳақида даъво ариза билан судга мурожаат этиши лозим.

И.ЖАСИМОВ, Республика прокуратураси Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи

Мен яқинда солиқ идорасига иш билан борувдим. У ерда бир солиқ позири мени кўриб, «Сен даромад солиғини тўладингми?» деб қолди. Мен қанақа солиқ, десам, у «сени бир-икки бор савдогарлик қилиб юрганингни кўрганман», дейди.

Аслида мен савдогарлик қилганим йўқ. Фақат ўзимга тегишли айрим нарсаларни зарурат юзасидан сотганман, холос. Шунга ҳам солиқ тўлашим керакми?

Ф.САМАНДАРОВ, Янгийўл шаҳри

Агар сиз хусусий мулк ҳуқуқи асосида ўзингизга тегишли бўлган мол-мулкни сотиш натижасида тегишли даромад олган бўлсангиз, у солиқ солинадиган даромад ҳисобига кирмайди.

Аммо, мол-мулкни тадбиркорлик фаолияти доирасида сотиш билан шуғуллансангиз, у ҳолда олаётган даромадингизга солиқ солинади. Бошқача қилиб айтганда, шахсан ўзингизники бўлмаган, балки бошқа жойлардан, бошқа кишилардан олиб келиб, сотилган маҳсулотлар назарда тутилади.

Ёшим саксон бешда. Икки қиз ва икки ўғилнинг отасиман. Ўғилларимнинг ҳаммаси уйли-жойли. Мен фарзандларимга ўзимга тегишли бўлган мол-мулк ва уй-жойни мерос сифатида бўлиб бермоқчиман. Бу иш албатта, нотариал идора орқали амалга оширилади. Лекин, бетоб бўлиб қолганлигим сабабли нотариусга боришнинг иложи бўлмаяпти. Ушбу хатни ҳам касалхонадан ёзаяпман. Сизларга бермоқчи бўлган саволим: мен васиятнома ёзиб, уни бирон киши орқали нотариусга бериб, тасдиқлатсам бўладими?

Хўжамқул НОРБЎТАЕВ, Фарғона вилояти

Агар Сиз, айни вақтда ҳам касалхонада даволанаётган бўлсангиз, васиятномани тасдиқлатиш учун узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Васиятномани тасдиқлатиш учун касалхона бош врачига ёки унинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари ёхуд навбатчи врачга мурожаат этишингиз мумкин. Улар томонидан тасдиқланган васиятнома ҳам нотариал тартибда тасдиқланган васиятномага тенглаштирилади.

Мабода касалингиз ёки бошқа бирон-бир сабаб туфайли, васиятномани ўз қўлингиз билан ёза олмасангиз, ўқишингизнинг имкони бўлмаса, сўзларингиз бош врач томонидан ёзиб олиниши мумкин. Васиятномани имзолашдан олдин шахсан тўлиқ ўқиб чиқишингиз ёки бош врач томонидан ўқиб эшиттирилиши (бу ҳақда васиятномада тегишлича қайд этилиб, шахсан ўқий олмаганлик сабаблари кўрсатилади), сўнгра Сиз қўл қўйишингиз мумкин.

Материалларни ҳуқуқшунос Д.ХАЛИЛОВ тайёрлади

• *Ҳуқуқий давлат сари*

СУД ҚАРОРИ

ЁХУД СУД ЖАРАЁНИ НЕГА ЧЎЗИЛИБ КЕТМОҚДА?

(Давоми. Бошланиши 3-бетда)

тест қаноатлантирилди ва фуқаролик иши янгидан кўриш учун судга юборилди.

Яна бир мисол: фуқаро А. Штенглернинг номидан А.Бобомуродовга берилган васиятномани ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги Навоий шаҳар прокурорининг даъво аризаси ҳам суд томонидан «ёқимсиз» кутиб олинган. Васиятнома А.Штенглер вафотидан сўнг нотариусда расмийлаштирилганлиги, суд-дастхат экспертизасининг хулосасига кўра васиятномадаги имзо марҳумга тегишли эмаслиги, яъни васиятнома қалбакилаштирилганлиги яққол кўрсатилган бўлса-да, шаҳар суди даъвони асоссиз равишда рад этган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз, Р.Шамсутдинов ўзининг уй-жой ҳуқуқини тиклаш ва жавобгар В.Беловани унга тегишли бўлган турар-жойдан кўчиришини сўраб, 1993 йилда судга мурожаат этади. Фуқаролик иши Тошкент шаҳар судларида қайта-қайта кўрилиб, қонуний тўхтамга келинмаган. Р.Шамсутдинов эса ҳақиқат учқунларини излаб, судма-суд юраверган. Охири у Республика прокуратурасига ариза билан мурожаат этади. Аризачининг важлари ўрганиб чиқилганда, судлар томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари қўпол тарзда бузилганлиги, Р.Шамсутдиновнинг важларига умуман эътибор берилмаганлиги, В.Белова томонидан уй-жойга ордер олиш учун қалбаки ҳужжатлар тақдим этилганлиги «сезилмаган»риуслар томонидан олди-сотди ва бошқа шартномаларини расмийлаштиришда йўл қўйилаётган ҳуқуқий хатолар ёки фуқароларнинг жиноий ҳаракатлари сабаб бўлмоқда. Судлар эса бундай ишларни фақат мазмунан ҳал этиш билан овора бўлиб, яққол кўриниб турган жиноят ҳолатларига эътибор қаратмаяптилар. Масалан, Тошкент шаҳар, Ҳамза туман суди даъвогар А.Исаевнинг (жавобгар В.Таксанова) Юнусобод туман 1-сонли нотариал идораси нотариуси ва бошқаларга нисбатан пойтахтдаги Строительная кўчаси, 113-уйнинг 52-квартирасининг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъво-аризасини кўргач, 1997 йил 30 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра В.Таксанованинг уйга эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжатларнинг қалбакилаштирилганлиги очиқ-ойдин тасдиқланган. Аммо суд бу ҳолатга қонуний баҳо бермаган ва тегишли тартибга кўра материални прокуратурага ўтказиш чорасини кўрмаган.

изки, юқоридаги ва бошқа бир қатор ишлар бўйича қабул қилинган ноқонуний ҳал қилув қарорлари вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг суд ҳайъати ҳамда раёсатлари томонидан ҳам кучда қолдирилган.

Юқоридаги каби ишлар юзасидан қабул қилинган ноқонуний қарорлар Республика прокуратурасининг протестлари асосида Олий суд ва вилоят судларининг раёсатлари томонидан бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун юборилган. Ўтган йил ва жорий йилнинг биринчи ярмида фақатгина Республика прокуратураси томонидан 49 та протест киритилиб, асоссиз қарорлар бекор қилинган.

Мен бир нарсага эътиборни қаратмоқчи эдим, судларда кўрилаётган ҳар бир иш,чиқарилаётган ҳар бир қарор ёки ҳукм ортида инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ётади. Шундай экан, суднинг қарори, ҳукми инсон қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари топталишига хизмат қилмаслиги керак! Афсуски, биз бунинг акси бўлган ҳолларга кўп бор дуч келмоқдамиз. Масалан, Тошкент вилояти фуқароси Э.Умаралиевни туғилганлик фактини белгилаш ҳақидаги фуқаролик иши 1997 йилнинг 11 июнидан 1999 йил 30 апрелгача, яъни икки йил давомида қонуний ечимини топмай келган. Тошкентлик Л.Тоиров ва З.Тоировларга эса уй-жой билан боғлиқ низоларини қонуний ҳал этишлари учун 3 йилу 3 ой вақт керак бўлган! Судлар томонидан йўл қўйилган хато-камчиликлар оқибатида ана шундай ва шунга ўхшаш унча мураккаб бўлмаган ишлар йиллар мобайнида қонуний ҳал этилмай келинган.

Суд аниқ далил-фактлар билан ишлашни тақозо этади. Шундай экан, судлар шаънига айтилаётган юқоридаги фикрларимни ҳам аниқ бир мисол билан асосламоқчиман: Фуқаролиги аниқланди. Иш юзасидан бир томонлама, асоссиз қабул қилинган қарорлар эса Олий суднинг судлов ҳайъати ва Раёсатида ҳам кўрилиб, кучда қолдирилган. Фақатгина шу йилнинг 16 мартида Бош прокурор томонидан Олий суд Пленумига протест киритилгач, протест қаноатлантирилиб, Р.Шамсутдинов ва унинг оила-аъзоларининг уй-жойга бўлган ҳуқуқлари тикланди, уларнинг олти йил (!) давомида чеккан маънавий азобларига чек қўйилди.

Худди шундай оқлаб бўлмайдиган сабабларга кўра, даъвогарлар Х.Рамазонов ва Р.Раҳимов, жавобгар Исҳоқовнинг фуқаролик иши Тошкент шаҳар, пойтахт вилояти ва Олий суд томонидан етти йил мобайнида қонуний ҳал этилмаган. Жавобгар Исҳоқовнинг қонуний манфаатлари ҳам Олий суд пленумига ушбу суд расис томонидан киритилган протест асосида тикланган.

Прокурорларнинг кассация ва назорат протестлари билан ўтган йилда 1400 та, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 600 та асоссиз суд қарорлари бекор қилинган.

Кези келганда айтиб ўтиш жоизки, айрим фуқаролик низоларининг келиб чиқишига нотариал идоралар ҳам сабаб бўлмоқда. Нотариал идоралар ҳам ўз ваколатларини суиистеъмол қилиб, ноқонуний ҳаракатларга йўл қўймоқда. Масалан, Тошкент шаҳар, Яккасарой туман 1-сонли нотариал идораси нотариуси Ф.Ҳасанова Ю.Ахмедовага нисбатан пойтахтдаги Ц-1 массивининг 12-квартирасини олди-сотди шартномасини расмийлаштиришда ҳам ўзининг ноқонуний ҳаракатларини давом эттирган. Ф.Ҳасанова Ю.Ахмедовага берилган ишончномани ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво-аризасини кўриб чиқаётган Яккасарой туман суди ҳам ишни ҳал этишда ноқонуний ҳаракатларга йўл қўйган.

Республика прокуратурасининг топшириғига асосан, Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан текширув ўтказилиб, В.Таксановага нисбатан жиноят иши қўзғатилган. У суд ҳукми билан мол-мулки мусодара қилинган ҳолда 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган ва амнистия қўлланилиши натижасида жазони ўташдан озод қилинган.

Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, деярли барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар уларнинг судлов фаолияти устидан юқори турувчи судлар томонидан етарли даражада назорат қилинмаётганлиги туфайли содир этиляпти. Бундай ҳолатлар натижасида кўрилган ишларнинг натижаси қандай бўлишини тасаввур этиш қийин эмас.

Ишонч билан айтаманки, Республика прокуратураси, унинг қуйи идоралари ходимлари судлар томонидан чиқарилган ҳар қандай қарор ёки ҳукмни қонунга мувофиқлаштириш борасида олиб бораётган ишларида қатъиятли бўлиб қоладилар.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни ёритиш орқали газетхонларимизда суд тизимига нисбатан салбий фикр уйғотиш ниятидан йироқмиз. Қолаверса, мазкур материалдан кўзланган муддао ҳам бутунлай ўзгача. Яъни, фуқароларнинг қонуний манфаатлари ҳимоячиси бўлган судлар томонидан уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари камситилиши ҳолларининг олдини олиш.

Суд тизимида ҳам қонун ва виждон амри билан ишлаётган, адолат туйғусини ҳар нарсадан устун деб билувчи ходимлар кўп. Лекин, шу билан бирга одил суд шаънига доғ келтираётганлари ҳам йўқ эмас. Таҳририятимизга суд ҳукми, қарорларидан норози бўлиб шикоят йўллаётган фуқароларнинг арз қилишга ундаган нарса ҳам қонунни оёқ ости қилаётган судьяларнинг ҳатти-ҳаракатлари эмасми?! Ёки бўлмаса, кўра-била туриб оқни қора деб чиқарган қарорини кучида қолдириш, уни ҳар қандай кассация шикоятларидан, протестлардан ҳимоялаш учун қарори ортидан юқори босқич судлари томон югуриб юрган судьялар-чи? Афсуски, суд тизими ҳали бундай кимсалардан холи эмас...

Фуқароларнинг судларга «суд менинг ҳимоячим», дея мурожаат этишлари орзудай гап бўлиб қолмаслиги кўп жиҳатдан суд тизимидаги ўзгаришларга, одил судьялар сафи кенгайишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

Дилшод ИСЛОМОВ ёзиб олди

• *Ишқ бекати*



СУЙГАНИМ БОЙНИНГ ҚИЗИ

Отам трактор ҳайдайди. Онам фермада сут соғувчи бўлиб ишлайди. Оилада саккиз фарзандмиз. Ота-онамнинг катта фарзандиман. Мактабни тугатганимга ҳам икки йил бўлди. Институтга киришга икки йил уриндим. Аммо... Ҳозирда ўзимизга яқин жойдаги қурилиш ташкилотида оддий ишчи бўлиб ишлаяпман...

Булар билан нима демоқчи эканлигимдан ҳайрон бўлаётгандирсиз. Сабаби - битта: мен кўчамизда турадиган бир қизни севиб қолганман. У ҳам мени севади. Муносабатимиз ёмон эмас. Унда-мунда учрашиб турамиз. Бироқ, қизнинг ота-онаси фарзандини менга беришга рози эмас. Негаки, биз унча бой эмас эканмиз. Севгилимнинг отаси эса катта бир корхонанинг раҳбари.

Ҳеч тушунолмайман. Агар севги бойлик билан ўлчанса, унда бу туйғунинг кимга кераги бор? Ёки бахт пул билан ўлчанадими?

Яқинда эшитган бир қўшиқ садолари ҳеч кулоғимдан кетмайди:

Суйганим бойнинг қизи,
Чиройда ойнинг қизи.
Она айтар қизгинам,
Бадавлат жойнинг қизи...
... Ой қизга бахт керкми,
Ё тилло тахт керакми?..

Бу айни мен ҳақимдаги ва менинг хаёлимда чарх ураётган саволларни ифода этувчи қўшиқ эди. Ҳамон шу каби саволларга жавоб тополмай ҳайронман. Ахир, камбағаллик айб эмас, дейдилар-ку. Баъзан тунлари ухлолмай, қийналиб кетаман. Нима, айбим бойнинг қизини севганимми, бойнинг қизи-чи, мени севганими?

... Ахир йигит ризқини,
Худо берар бир куни.
Тополмайсиз тиллога,
Қиз йўқотса бахтини, -

деган ўланлар ҳам бекорга яратилмаган-ку.

Юрагим ўртаниб кетади. Нима қилай, қиз билан гаплашиб қочиб кетайми? Очиғи, нима қилишни ҳам билолмай қолдим.

Ҳурматли «Ҳуқуқ» газетаси таҳририяти. Сизларнинг газетангиз кўпгина одамларнинг топталган ҳуқуқларини тиклашда ёрдам бериб келмоқда. Менга ҳам тўғри йўл кўрсатишнинг иложи борми?

ТОШПЎЛАТ,
Дўстлик тумани



Суратда: Тошкент тадбиркорлик коллежи ўқувчилари Б.Ғофуров ва Б.Салимовлар ўқиш ва жамоат ишларида бошқаларга намуна бўлиб келмоқдалар.

АРМОНИМСАН... АРДОҒИМСАН, АЁЛ!

1999 ЙИЛ – АЁЛЛАР ЙИЛИ

• *Мукофотланганлар*



ҚУВОНЧ ЎТКИНЧИ БЎЛМАСИН ДЕЙМАН

Бахт, қувонч ўткинчидир, деган фикрларда қандайдир маҳзунлик бордай. Шунинг учун қувончнинг ўткинчи бўлиб қолишини тан олгим келмайди. Чунки, инсон дунёга келибдики, фақат қувонч излаб яшайди. Саодатли онларини, шодон кунларини, бахтиёр йилларини чўзиш учун курашади. Аслида башарият тарихининг моҳияти ҳам бахт учун курашишдан иборат.

Боғи эрам ҳақидаги эртаклар бежизга тўқиб чиқарилмаган. Бахт ҳақидаги орзулари ақлимизни шоширмаганида ер курраси аҳолисининг қарийб ярми 100 йилдан ошиқ давр мобайнида марксистларнинг коммунизм ҳақидаги чўпчакларига алданиб яшамаган бўларди. Лекин афсуски, табиат гултожи бўлган инсон, шундоқ ҳам ўлчоғли бахтни бир-биридан қизғаниб яшайди. Ўзганинг бахти ҳисобига ўз улушини кўпайтириб олиш пайида бўлади. Бу «ўзга» киши унинг дўсти, биродари, яқин кишиси, ҳамкишлоғи, жуда нари борса юртдоши бўлиши мумкин. Бироқ хом сут эмган банда билиб-билмай қонун чегарасини босиб ўтади. Адолат мезони бузилади. Бахтсизлик юз беради. Прокуратура, суд, милиция ходимлари бахт ва бахтсизлик, манфаатлар ва қарашлар, маърифат ва жаҳолат тўқнашадиган ана шу чорраҳада яшайдилар ва ишлайдилар. Ҳар куни, ҳар соатда бундай ҳолатлар билан юзма-юз келиш осон эмас. Бахтини бой берган, адолатсизлик туфайли қон қақшаб қолган кишининг юрак жароҳатларига малҳам топиш, унга шу аччиқ қисматни раво кўрган кимсани қонунга рўпара қилиш ҳуқуқ-тартибот посбонларидан ирода, матонат ва мардлик талаб этади. Шу соҳадаги озми-кўпми меҳнатим давлат томонидан «Шуҳрат» медалига муносиб кўрилган экан, очиғи бошим кўкка етди. Кучимга куч, ғайратимга-ғайрат қўшилди.

Эътибор учун катта раҳмат!

Муқаддас ҒУЛОМОВА,
Тошкент вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

• *Олтин ҳикматлар*

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Аллоҳнинг «Аёллар сизга яхши ишларда осий бўлмасинлар!» деган оятининг мазмуни Аллоҳ таоло шахсан аёлларга буюрган шартлардир», — дейдилар. (Бу шартлар, муфассирларнинг гапларига қараганда, баланд овоз билан йиғламаслик, бегона эркак билан танҳо қолмаслик, юзни бўямаслик, кўкракларни очиб юрмаслик, қарғамаслик,... ва ҳар қандай ишда Аллоҳ ва унинг расулига итоат этмоқлик).

***

Абу Саид ал-Хурийдан: «Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам енги йўқ ва тор кийим киймоқни, тиззани қучоқлаб, олдини очиб ўтирмоқни қаттиқ қоралодилар».

***

Мисвар ибн Махрана ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ минбарда туриб: «Ҳишом ибн ал-Муғийра қабиласи аҳли ўз қизини Али ибн Абу Толибга бермоқчи бўлиб мендан изн сўради. Мен рухсат бермайман, кейин ҳам, ундан кейин ҳам рухсат бермайман, фақат ибн Абу Толиб қизимни талоқ қилиб, уларнинг қизига уйланишни истасагина рухсат бераман! Чунки, қизим менинг бир бўлагим бўлиб, уни шубҳага солган нарса мени ҳам шубҳага солади ва унга азият етказган нарса менга ҳам азият етказади!» — дедилар».

***

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй муслима аёллар, қўшни аёл ўзига қўшни аёлга, гарчи қўй туёғини бўлса-да, ҳадя қилишдан орланмасин!» — деб марҳамат қилдилар». (Яъни, қўшни аёллар кўлларидан келганча бир-бирларига ҳадя қилиб турсинлар, «Бу озку!» ёки «Арзимас-ку!» деб ўзларини ҳадя қилмоқдан тиймасинлар, деган мазмундадир.

(Имом ал-Бухорийнинг тўрт жилдлик танланган ҳадислар тўпламидан)

• *Назм*

АЁЛГА ҚАСИДА

Аёл гўзал эди, наинки гўзал,
Беҳад гўзал эди маъсума.
Келса изғиринлар ушалиб кетар,
Кулса қорлар эриб кетгандай бўлар.
Шунчалар гўзалки, унингчун фақат
Кўзимда чиннигул ўстиргим келар.
Аёл гўзал эди, шунчалар гўзал,
Киприги юзига соялар солган.
Суҳбатин парилар орзулаб толган.
Ошиқлар изидан изиллаб қолган.
Борлиғи иффату, бори юз-хотир,
Қирқ кокили узра қирқ минг хавотир.
Хавотир ичра ҳам шундай пок ният,
Шундай ҳилқат ва бохосият.
Келса тонглар отиб кетгандай бўлар,
Кўзга ойлар ботиб кетгандай бўлар.
Шундай аёл учун, шу аёл учун
Жонимнинг сувида, жоним сувида
Мулойим нилуфар ўстиргим келар.
Аёл гўзал эди, улуғ, муҳтарам,
Келса қадамидан барака инар,
Кулса кулгусидан тўкилар гавҳар.
Шундай аёл учун, шу аёл учун
Булбул томоғидан тоза дур олиб
Лабимда ёронгул ундиргим келар.
Аёл гўзал эди, шунчалар гўзал
Келса юзларга нур сепилиб кетар,
Кулса олам яшнаб кетгандай бўлар.
Жоним, капалаклар сени соғинсин,
Жоним, қалдирғочлар тушига кирсин.
Кўнглим капалакдир, севгим қалдирғоч
Сен ҳам улар учун қучоғингни оч.
Шундай аёл учун, шу аёл учун
Кўнглимда атиргул ўстиргим келар.

Олим АБДУҲАМИД

• *Қисмат*

ЁЛҒИЗЛАНГАН ГУЛ ҚИСМАТИ

- Эпсиз! Тўртта косани кўтаришни эплолмади. Бунақа ношудларга зинғиллатадиган эр бўлиши керак. Шунда одам бўлади, - деди қайнона чимрилиб.

- Нимадир синса, бахт келтиради, дейишади-ку, деди Нажмиддин хотинининг ёнини олиб.

- Хотинингга, айт, бахт келтиради деб, ҳар куни тўрттадан коса синдираверсин, хотин қули. Йигитмисан ўзи? - деди отаси киноя билан. Нажмиддин аваллагани, гулдек асраган, севиклиси- хотинига ёвқараш қилди. Ота-онаси, янгалар, акалар кўз ўнгида ўзини «хотин қули» эмаслигини кўрсатиб қўйишга отланди...

- Нега синдирдинг?! Пул топиб белинг оғримаган-да!..

Дилором қолган гапларни эшитмади. Тўрт дона коса билан бирга унинг кўнгли ҳам чил-чил синган эди. Коса синиқларини теришга шошилган қўллари ҳолсизланди, синиқларнида тутиб туролмади. Бир сониялик қарахтликдан сўнг Дилором ўзига келди. Аллақачон супадан тушиб тепасига келиб турган эрини суяшиб юборади, деган умидда кутди. Бироқ суяшга интилиши лозим бўлган қўллари тарсаки тортди. Эндигина онасига ўзининг борлигини билдираётган, оиланинг қувончи бўлиши мумкин бўлган ҳомила тепки зарбидан топталди...

Шифокорларнинг «Агар тепки емаса, хотининг қўчқордай ўғил туғиб бериши мумкин эди», деган гапларини Нажмиддин ҳатто илғамади.

Катталар жим, оқсоқоллар лоқайд, тенгдошлар томошабин, қондошлар тарафма-тараф. Дарахтни силкитсанг, қиз ёғилади, дейишди ота-она ўғлига. «Чиққан қиз чийдан ташқари, бориб пиширган ошингни ўзинг ич», деди қизнинг отаонаси. «Ажралма, болам, бу йил оила йили. Эринг бир кун одам бўлиб қолар», деди оқсоқол ажралгувчилар сонини кўпайишидан қўрқиб. «Сенга ким 17 ёшда турмушга чиқ, деб айтди. «Эрман нима десам дерман» деган. Энди чида», маслаҳат берди маҳалла хотин-қизларининг раисаси.

Эҳтимол улар ҳақли эди. Бироқ Дилоромнинг кўнгли чилпарчин бўлганлигини ҳеч ким тушунолмасди. Нажмиддин «тилдан қолган» хотинига ўшқирди. «Сен нима кутаяпсан. Аллақачон «чилла»нг чиқиб кетганини биласанми? Ё ҳалиям қўл ушлашиб «свидания» қилсак, эркаласа, ялинса, дейсанми? Ҳаммаси тугади, энди. Сен шу хонадонга, менга чўрисан. Сени сотиб олганман тўю-томоша қилиб. То уйлангунча оёғим лой тепиб чарчади. Энди сени тепиб ҳузур қилишим керак. Мен сенинг акангга ўхшаб «хотин қули» деган номни олишни истамайман. Сен менинг қафасимдаги қушимсан. Гаҳ десам қўлимга қўнасан. Чунки, дон ейиш учун ҳам ҳаёт сени шунга мажбур қилади», деди.

Дилором «чурқ» этмади. Нажмиддин эса ўзини шерга менгзаб, дунёга йигит бўлиб келганига шукрона айтиб, ўзидан-ўзи завқланиб чиқиб кетди. Ошналари билан қиморни бошларкан, уйланмаган йигитларга насиҳат қилди:

-Хотин дегани сени кўрса зир титрасин, шошиб қолсин. Тўнингни тескари кийиб тур, раҳминг келса ҳам сездирма. Бўлмаса бошингга чиқиб олади. Ўзимни ўлдираман, деса кўрқма. Улар мингтадан битта чиқади. «Шантаж»лик қилиб сени эгиб олмоқчи бўлади. Мана, менинг хотинимни ҳовлида юргани билинмайди, овозини чиқаришга кўрқади.

Бўйдоқлар унинг ортидан нафратланиб қараб қолишди. Чунки, улар Дилоромнинг синфдошлари эди. Уни ҳурмат қилишарди.

Баҳор ўтиб ёз кела бошлади. Қуёшнинг тафти кучайган сари Дилоромнинг исёни ҳам кучая борди. Аммо қишлоғимда кўпчилик аёллар эридан калтак еб яшаб юрибди-ку, худо инсоф бериб қолар, деган илинжда кун санаб ҳушнуд кунлар келишини кута бошлади. Тонг саҳардан шомгача елиб югурди. Онасиникига ҳам бормай қўйди. Қўни-қўшнилар, дугоналар борлигини, теварак-атрофда ҳаёт қайнаётганлигини унутди. Эрнинг кўнглига йўл топишга ҳато қилмасликка тиришди.

Бу орда Нажмиддиннинг акаси уй қуриб чиқа бошлади. Уй деворининг битишига бир баҳя қолганди. Лой қориётган Нажмиддин қозон бошида овқатга уннаётган хотинини чақирди:

- Тез кел, сув қуйиб тур, имиллама.

- Пиёзи куйиб кетади. Аввал овқатга сув солай, деди Дилором.

Кўпчиликнинг ичида гапини икки қилганлигидан ғазабланган Нажмиддин лой қўллари билан хотинини ура бошлади, халатини йиртиб ташлади. Шу куни Дилором ўзини тош босиб қолган гулдек ҳис қилди. Нажмиддин Дилором деб ҳайқирганча оловни қучди. Зўрға ўчирди...

- Нега бундай қилдинг?

- Мен бир-биримизни авайлаб яшаймиз, деб орзу қилгандим. Лекин айтган сўзларингиз, ширин орзуларингиз йигитнинг сўзи эмас экан. Сиз ҳақиқий йигит эмаслигингиз учун... мени тўртта косага арзитмадингиз-а!...

Дилором қолган гапларни айтолмади. Ўкраб йиғлаётган Нажмиддиннинг атрофини шу пайтгача Дилоромни томоша қилган «томошабинлар» ўраб олди...

Ҳафиза ЭГАМБЕРДИЕВА,
Қашқадарё вилояти

• *Гиёвандлик — иллат*

КЎКНОРИ ХАЁЛЛАР

- Агар бошлаган ишларим муваффақиятли туғаса борми?! Бутун бошли Ўш шаҳрида мендан бой одам бўлмайди. Автомобилнинг зўридан сотиб оламан. Ҳашаматли ҳовли-жойга эга бўламан. Пул бўлса нималар қилиш мумкин эмас, - Қобилжон Раимжонов мана шундай кўкнори хаёллар билан ўз «фаолияти»ни бошлаган эди. Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳрида яшовчи бу йигит бирор жойда ёлчитиб ишлаганини ўзиям эслаёлмайди. Танбалликни ўзига касбикор қилиб олган, қандай йўл билан бўлсада бойлик орттириш пайига тушган Қобилжонга «йирик бизнес»да ҳамтовоқлар ҳам дарров топила қолди. Шерикли ошга ит қарамайди, дейишади-ю, лекин илож қанча, бу ишни ёлғиз ўзи эплаёлмайди.

Қобилжон ҳамшаҳарлари Рустам, Ёқуб, Жамолиддинлар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, «иш» режасини тузадилар. Қобилжон Раимжонов бошчилигидаги уюшган жиноий гуруҳ бир килограммга яқин «героин» гиёванд моддасини Ўзбекистон ҳудуди орқали Россия Федерациясига ўтказиб сотишга келишиб олишади.

Эндиги вазифа «товар»ни манзилга етказиб олиш эди. Қобилнинг маслаҳати билан ҳамтовоқлар заҳри қотилни хўжалик сумкасининг таг қисмига яширинча жойлаштириб, контрабанда йўли билан, яъни божхона назоратини четлаб ўтишиб Ўзбекистон Республикаси Андижон шаҳри темирйўл шоҳбекатига олиб ўтишади. Бу ишда уларга Улуғбек исмли терговда шахси аниқланмаган кишининг автомашинаси асқотади. Темирйўл шоҳбекатидан шерикларнинг икки нафари Жамолиддин Юсупов ва Қобилжон Раимжоновлар Андижон - Тошкент йўналиши бўйича қатновчи 59-поездда жўнаб кетишади. Режа бўйича Тошкент орқали Россия Федерациясига чиқиб кетишлари керак эди.

Кўзлари олазарак бу икки меҳмон Андижон шаҳар шоҳбекатидаги темирйўллари ички ишлар бўлинмаси ходимларида шубҳа уйғотди. Асака-Андижон оралиғидаги йўлда уларга тегишли бўлган сумка холислар иштирокида кўздан кечирилганда унинг таг қисмида жойлашган ўша пинҳоний оғу чиқди.

Шу билан мазкур «иш»нинг ташкилотчиси Қобилжон Раимжоновнинг кўкнори хаёлларига, орзуларига хотима қўйилди.

У Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан қилмишига яраша жазоланди. Оғуфурушлик қанча-қанча инсонлар умрини заҳарлаш эканлигини била туриб бу ишга бош қўшган, ҳою-ҳаваслар қурбони бўлган Қобилжоннинг шериклари ҳам қонун доирасида «тақдирланди»лар.

О.ОТАХОНОВ,
Андижон вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори.
Ш.ЁДГОРОВ, «Ҳуқуқ» мухбири



«Ҳуқуқ»ни ҳамма севиб ўқийди.

• *Жиноятга жазо муқаррар*

РАЗОЛАТ

ЁКИ ҲИСОБХОНАДА СОДИР ЭТИЛГАН ҚОТИЛЛИК ХУСУСИДА

Кечани улфатчилик, «олинг-олинг» билан ўтказган Хуршид Жамолов эрталаб боши оғриб уйғонди. Ўрнидан туришга мажоли йўқ эди... Лекин нимадир эсига тушиб, апил-тапил кийинди-да таниши Алимардон ишлайдиган «Шамс Навоий» фирмасига тегишли устахонага югурди. Хуршид устахона эшигини очиб ичкарига кирди. Иккиуч мижоз турган экан, кутишга тўғри келди. Улар соатларини тузатиб кетишгач, саломлашиш, ҳол-аҳвол сураш ўрнига, ҳеч қаерда ишламайдиган Гулчеҳра Ҳамдамова хонадонида «ишга» чиқиб кетиш олдидан учрашишади. Шу ерда бўлиб ўтган «мажлис»да ёвуз режа янада пишитилади. Гулчеҳранинг мудҳиш режа ҳозирланаётганидан хабари бор эди. Аммо, у содир этилажак жиноят ҳақида ҳуқуқ-тартибот идораларига хабар қилмаган.

... Босқинчилар аста-секин фирма биноси томон яқинлашади. Бу вақтда соат 22 га яқинлашиб қолганди. Атроф соатсоз оғайнисига ўшқириб кетди:

- Тинч ухлагани ҳам қўймайсан, нима дардинг бор, ё бошимни «тузатмоқчи» бўлиб чақирганмидинг? - Хуршид шундай дея дўстига савол назари билан тикилди.

- Хомкалланги тузатишдан ҳам зарур иш чиқиб қолди, - деди Алимардон эшикни бекита туриб. - Фирма хазинасига кеча катта пул тушган. Банкдан олиб келишга ўзим ёрдамлашганман. Пул сақланаётган темир сандиқни бўшатишга ҳаракат қилмаймизми-а?..

Шу пайт эшик тақиллаб, унинг гапи оғзида қолди. Бараварига дераза орқали ташқарига қарашди: эшик олдида вояга етмаган Алишер Баратов турарди.

- Ана, яна бир шерик топилди, - дея соатсоз эшикни очишга чоғланди.

- Эшитишимча, бугун Алимардоннинг туғилган куни экан, буёғи зўр бўлади шекилли, шунақами?

- Бунақа гапларни қўя тур, - деди Хуршид жиддий тарзда. - Бошқа бир иш бор, эшит: Бугун кечқурун фирма хазинасидаги пулларни «саранжом» қилишимиз керак. Вазифа шу...

- Қоровул мени танийди, ҳеч гап-сўзсиз эшикни очади, - режасига аниқлик киритди Алимардон. - Қолган ишларга худо ёр бўлар...

Шундай қилиб, жиноий гуруҳга ҳали вояга етмаган Алишер Баратов ҳам жалб қилинди.

Жиноий гуруҳ аъзолари ўша куни соат 21 лар атрофида Хуршид яшаб юрган Навоий шаҳар Мирзо Улуғбек кўчасида турувчи 2 нафар фарзандининг онаси, эридан ажралган, жимжит, кўчаларда одамлар анча сийраклашиб қолган. Босқинчилар ҳисобхона томон йўл олишди. Режага асосан, эшикдан биринчи бўлиб Хуршид кириши ва' бу ерда вақтинча яшаётган Фарҳод Ўрозовни тинчитиши лозим эди.

Қоровул ҳали уйғоқ экан, эшик тақиллашига жавобан дарров овоз берди:

- Ҳозир, ҳозир, ким у?

- Мен, Хуршид, - ухламовдингми, эшикни оч, гап бор...

Эшик ланг очилиб, дарҳол ёпилди, ҳаял ўтмаёқ бўш шишанинг қарсиллаб сингани эшитилди. Бу эса ташқарида қолган босқинчилар учун чорлов эди. Алимардон ва Алишер тезлик билан ўзларини ичкарига олишди.

«Наполеон» шишаси зарбидан чўзилиб қолган Хуршиднинг бошига Алишер ҳам пиво шишаси билан ура кетди. Қароқчилар бошидан тўхтовсиз қон оқаётган қоровулни ерга йиқитиб олишади. Шундан сўнг, Алимардон Фарҳоднинг кўкрак қисмига бир неча марта пичоқ уради. Пичоқ зарб билан суякка бориб тақалгач, қайрилиб қолади. Буни кўриб турган Хуршид хонадаги бошқа пичоқни олиб, қоровулнинг бўйни, орқа елка ва кўкрак қисмларига шафқатсизларча тиқиб оларди. Зарбалар таъсирида бу пичоқ ҳам синиб қолади. Шунда Алишер ёнидаги пичоқни олиб, ўлим талвасасида ётган Ф.Ўразовнинг ўнг оёғи болдирининг пастки қисмини кесиб ташлайди. Бу ҳам етмаганидек, улар қоровулни шу хонада бўлган компьютер узаткич сими билан бўғиб олишади ва кўзи қонга тўлган Алишер қўлидаги пичоқни типирчилаётган гавданинг бўйин қисмига тиқади...

- Тамом бўлди, - дейди нафасини ростлаб оларкан Хуршид. - Қани тез бўлинглар энди, юқорига чиқиб пулни қидиринглар.

Ҳисобхонанинг биринчи қавати ҳам, иккинчи қавати ҳам тит-пит қилинади. Стол тортмалари, шкафлар, темир сандиқлар бир-бир текшириб чиқилади. Аммо, кечагина машинадан қоп-қоп туширилган пуллар ҳеч қаерда йўқ эди...

- Иш расво бўлди, - дейди тиззалари дир-дир титраётган Хуршид. - Энди тезда туёқни шиқиллатиш керак. Қани тарқалинглар, ўша ерда учрашамиз.

Қароқчилар қўллари, уст-бошлари қонга беланган ҳолда ўзлари икки соат олдин чиқиб кетган хонадонга бирин-кетин кириб келишади. Гулчеҳра ўзи «оқ» йўл тилаб, кузатиб қўйган «меҳмонлари»нинг аҳволини кўриб аланечук бўлиб кетди

- Ҳеч нимани сўрама, - дейди Хуршид ўзини тўшакка ташлар экан. - Вақтни ўтказмасдан, қуён бўлишимиз керак.

Босқинчилар кийимларини алмаштиришди.

- Сизлар меникида бўлмагансизлар, менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ, - дейди уй соҳибаси уларни кузата туриб.

... Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, вилоят прокуратураси, Ички ишлар бошқармаси томонидан зудлик билан олиб борилган тезкор-қидирув натижасида босқинчилар қўлга олинди. Кўп ўтмай Г.Ҳамдамова ҳам ҳибсга олинди. Вилоят прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси Баҳрулло Казаков (ҳозирда бўлим бошлиғи) олиб борган малакали тергов натижасида бу мудҳиш воқеанинг барча эпизодлари ипидан-игнасигача очилди. Тергов ҳаракатлари қисқа муддатда тугалланиб, Х.Жамолов, А.Шодиев ва А.Баратовлар Ф.Ўрозовни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан ўлдирганликлари, босқинчилик қилганликлари учун, Г.Ҳамдамова эса жиноят ҳақида хабар бермаганлиги, уни яширганлиги учун айбландилар. Вилоят судининг ҳукмига биноан Х.Жамолов ва А.Шодиев олий жазо - ўлимга ҳукм қилиниб, мол-мулклари давлат фойдасига мусодара этилди. А.Баратов эса 15 йил озодликдан маҳрум қилинди. Г.Ҳамдамова ҳам қилмишига яраша жазоланди. Олий суд бу ҳукмни ўзгаришсиз қолдирди.

Маҳмаюнус УМАРОВ,
Навоий вилоят прокуратураси прокуратура идораларида терговни назорат қилиш бўлими бошлиғи

• *Эссиз йигит!*

КУППА-КУНДУЗГИ ҚАРОҚЧИЛИК

Абдухалил асли Наманган вилоятидан. Ишсизлик, бекорчиликдан безор бўлиб, у ҳам бирон-бир иш топиш, пул ишлаш илинжида Тошкентга келиб қолганди. Пойтахтга келиб, у ер, бу ерда ёлланиб ишлаб, оз-моз пул топди. Лекин, бу пуллар унинг орзу-ҳавасига етмади.

Абдухалил кунлардан бир кун, боши айланиб Қўйлиқ бозорига бориб қолди. Бозорни айланиб, улгуржи савдо расталари томон юрди. Тумонат одам, биров билан бировнинг иши йўқ. Ногаҳон Абдухалилнинг кўзи бир четда қўлидаги хўжалик сумкасини маҳкам ушлаганча, кимнидир бетоқат кутиб турган аёлга кўзи тушди. Абдухалил аёлдан, аниқроғи, даста-даста тахланган пуллар шундоққина билиниб турган унинг сумкасидан кўз узолмай қолди. «Бир амаллаб сумкани олиб қочсам...»

Аёл ёнига яқинлашиб келаётган йигитга эътибор ҳам бермади. Абдухалил эса чаққонлик билан унинг сумкасига чанг солди-ю, ура қочди.

- Ўғри, ушланглар, пулимни олиб қочди, ўғри, -аёл шу оннинг ўзида дод-фарёд қилди. Ҳовлиқиб қочаётган Абдухалил эса нимагадир қоқилиб, йиқилиб тушди. Сумкадаги пуллар атрофга сочилди. Атрофини бир зумда тумонат одам ўраб олди. Кўп ўтмай милиция ходимлари етиб келишди...

Эндигина йигирмага кирган А.Ҳусаинов фуқаро К.Мирзаахмедованинг 533.200 сўм пулини куппа-кундуз куни, қароқчилик йўли билан эгаллаб олишга уринганди. Унинг бу «уринишини» Бектемир туман суди қонуний баҳолаб, уни саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Ўктам САИДОВ,
Бектемир туман прокурори ёрдамчиси

• *Изланиш*

Шароф БОШБЕКОВ:



ЎЗБЕКЧА «КАРМЕН» ЁЗМОҚЧИ ЭДИМ

Севимли ёзувчимиз Шароф Бошбеков қаламига мансуб «Чархпалак» видеофильми томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди. Асарга қизиқиш шунчалик кучайдики, ҳатто баъзи томошабинлар фильм қаҳрамонларининг кейинги тақдири, фильм нима билан тугаши ҳақида ўзларича башорат қилиб ҳам юришибди.

Яқинда ушбу фильмнинг давомини суратга олиш жараёни бошланганлиги ҳақидаги гапни эшитгач, Шароф ака Бошбеков билан боғландик. Қуйида ёзувчи билан бўлган мухтасар суҳбатни ҳавола этамиз.

— Шароф ака, кўпчиликда қизиқиш уйғотган «Чархпалак» видеофильмининг давомини суратга олиш жараёни қачон тугалланади?

— Дарҳақиқат, «Чархпалак» видеофильми халқимиз томонидан яхши кутиб олинди. Очиғини айтсам, аслида «Биби Марям» номли асар ёзмоқчи эдим. Аниқроғи, «Кармен»нинг ўзбекчасини яратиш иштиёқи бор эди. Операсига ишқибоз бўлиб юрардим. Ҳатто асарга қаҳрамон сифатида лўли образини ҳам топиб қўйгандим. Аммо барча ўйлаган режаларим бошқа томонга бурилиб кетди. Хуллас «Чархпалак» дунёга келди.

Саволингизга келсак, фильм 3 фаслдан иборат бўлиб, 20 қисмга мўлжалланган. Шу давргача унинг 13 қисмини томошабинларга ҳавола этдик. Хозирда фильмнинг учинчи фасли суратга олинмоқда. 7 қисмдан иборат ушбу фаслни тасвирга олиш шу йилнинг охирларида якунланади. Янги йилнинг бошидан эса фильмнинг барча фаслари якунланган ҳолда томошабинларга намойиш этилади.

— Сир бўлмаса, фильм воқеаларининг кейинги ривожи ҳақида икки оғиз айтиб ўтсангиз?

— Очиғини айтганда асарни тўлалигича ёзиб тугатганим йўқ. Фақат шуни айтишим мумкинки, асарнинг учинчи фаслида воқеалар ривожи шиддатли тус олади. Фильмнинг давоми Мастуранинг азасидан бошланади. Умуман олганда фильмни бошдан-оёқ гапириб беришни хоҳламайман. Томошабинларнинг «иштаҳаси бўғилмасин».

— Шундай бўлса-да, асар қаҳрамонларининг тақдири нима билан тугашини айта оласизми?

— Аввало, асар худди эртаклардагидек яхшилик билан якун топади. Яхшилар бахтларини топади, ёмонлар жазосини олади. Қаҳрамонларга келсак, Эгамқул ўз болалари билан қолади. Марямнинг тақдири нима билан тугашини ўзим ҳам билмайман. Баъзилар «Эгамқул Марямга уйланадими?» деб сўраб қолишади. Йўқ. Мен улардаги покликни сақлаб қолишни истайман. Умуман олганда асар ҳеч бир томошабиннинг хаёлига келмаган воқеалар билан якунланади.

— Фильмда иштирок этувчи актёрлар, образлар ўртасида бирор ўзгариш борми?


— Ижро этувчилар орасида янгилик йўқ. Фақат бир-иккита янги образлар яратилди. Драматургияда шундай бир одат мавжуд. Агар асардаги бирон бир образ чиқиб кетаётган бўлса, унинг ўрнини тўлдириш учун бошқа бир шунга ўхшаш образ киритилиши керак. «Чархпалак» даги Ҳасан-Ҳусанлар ҳам ўз қишлоқларига кетишади. Уларнинг ўрнига эса Жумагул исмли янги бир қаҳрамонни киритдим.

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ суҳбатлашди



Шароф Бошбеков асарлари мухлисларни гоҳ шунақа кулдиради, гоҳ...

КРОССВОРД



Энига: 1. Олий лига футбол жамоаси. 4. Бобурий хукмдорлардан бири. 8. Туркия республикасининг асосчиси. 13. Қадимги юнон файласуфи. 14. Мамлакатга чет элдан махсулот кириб келиши. 15. Қитъа. 16. Сайроқи қуш. 18. Шарқий Африкадаги давлат. 19. Сигарет русуми. 20. Товланма газлама. 26. Африканинг шимолий-гарбий қисмидаги давлат. 27. Янги қитъа кашф этган саёҳатчи. 29. Бир томонлама ўтказувчанлик хусусиятига эга бўлган икки электродли электрон лампа. 30. Мулзам бўлиш, ўнғайсизланиш. 31. Ўргимчаксимонларга мансуб заҳарли жонивор. 34. Шарқий Африкадаги давлат. 35. Эрондаги қадимий вилоят. 39. Шапалоқ баргли, мевали дарахт. 40. Тез, чаққон. 44. Бирор тарихий ёки тўқима воқеа-ҳодисани акс эттирадиган бадиий асар. 46. Россиядаги шаҳар. 47. Ер юзидаги ўт билан қопланган, онда-сонда дарахт ёки буталар учрайдиган майдонлар номи. 48. Қалам тайёрлашда ишлатиладиган кимёвий элемент. 49. Ўқ отар қурол. 50. Ёмғирдан кейинги табиат ҳодисаси. 51. Душман қўшинларининг ўраб олиниши. 52. Эшикни беркитиш учун орқасидан тиралган тахта ёки ёғоч.

Бўйига: 2.Шарқона латифалар қаҳрамони. 3. МДҲдаги давлат пойтахти. 5. Меридиан йўналишини аниқлашда қўлланиладиган асбоб. 6. «Темир хотин»нинг исми. 7. Кураш тури. 9. Мўғулларга қарши курашган жасур саркарда. 10. Тиниш белгиларидан бири. 11. Реактив куч таъсирида ҳаракатланадиган учувчи аппарат. 12. IV асрда яшаган йирик ўзбек шоири. 17. Ўзбекона ҳозиржавоблик билан ижро этиладиган миниатюра. 18. Ҳарбий унвон. 21. Республикамиздаги дарё. 22. Ўқ отар қурол тури. 23. Фалсафа билан шуғулланувчи киши. 24. Индонезиядаги орол. 25. Абонементдан фойдаланувчи шахс. 28. Машҳур Куба шахматчиси. 1921-27-йилларда жаҳон чемпиони. 32. Ёзувчи С.Айний асари. 33. Нақши икки томонлама бўлган ранг-баранг газлама тури. 36. Европадаги давлат пойтахти. 37. Металлдан ясалган пул бирлиги. 38. Ёғочсозлик асбоби. 39. Томоқ яллиғланиши қасаллиги. 41. Мевали бута. 42. Ўқув-тарбия муассасаси. 43. Курашов, ўров. 45. От-улов тўёғига қоқиладиган матоҳ.

Тузувчи: Зафаржон ҲАСАНОВ

ГАЗЕТАНИНГ ЎТГАН СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КРОССВОРД ЖАВОБЛАРИ

Энига: 1. Камолот. 3. Алпомиш. 6.Мохов 10. Камар. 12.Индиана. 13.Шеруя. 14. Пичоқ. 15. Фобос. 16. Аскар. 18. Сигир. 20.Елабуга. 21. Товус. 22. Конус. 23. Татар. 27. Фауна. 29. Алибобо. 30. Ватан. 31. Норка. 32. Желит. 33. Манти. 35. Саида. 37. Зилзила. 38. Хўкиз. 39. Диана. 40.Иркутск. 41. Сафсата.

Бўйига: 1. Кумуш. 2. Ловия. 4. Пикап. 5.Широқ. 7.Харьков. 8.Адвокат. 9.Фаромуш. 11. Мичиган. 16. Айтматов. 17. Ресторан. 18.Саксафон. 19.Растрата. 24.Титаник. 25.Пирелли. 26. Боливия. 28. Украина. 33.Маҳси. 34. Иззат. 35. Садаф. 36. Агама.

• *Бир чимдим кулгу*

Самолётда кетаётган чукча стюардессани чақирди:

- Мен шу ерда тушиб қоламан.

- Ўртоқ, самолёт бу ерда тўхтамайди, демак, тушиш ҳам мумкин эмас.

Чукча уни ҳоли-жонига қўймапти. Ниҳоят стюардесса учувчи хонасига кириб бўлган воқеани айтибди. Учувчи буни эшитиб сўради:

- Ўша одамни ҳаммаёғи бинт билан боғланганми?

- Ҳа!

- Унда ишинг бўлмасин, у ҳар доим шу ерда тушиб қолади.

***

Ўғри катакдаги товукларни қопга тиқаётганда уйнинг эгаси келиб қолди.

- Ҳой, буёққа чиқ. Кимсан?

- Мен... Жўжаман.

- Жўжамиш-а. Кимнинг ўғлисан?

- Менинг ҳеч кимим йўқ. Мен... Инкубатордан чиққанман.

***

Эшак билан прапоршик чўлда учрашиб қолишди.

Эшак сўради:

- Сен кимсан?

Прапоршик у - ёқ, бу ёққа қаради. Атрофда ҳеч ким йўқ.

- Мен... офицерман! Ўзинг-чи?

Эшак ҳам атрофга қараб олди. Ҳеч ким йўқ:

- Мен... отман!

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир
Ҳуқуқ
ЮРИДИК ГАЗЕТА
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида»журнали

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, академик Яҳё Ғуломов кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

Бош муҳаррир: Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: Бўритош Сайфуллаев,Ботир Пўлатов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Мэлс Наимов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев

Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.Кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

«Ҳуқуқ» оригинал макети.
Газета PENTIUM - II mmx компьютерида саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида босилди. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси - 41. Нусхаси - 12674. Буюртма Г-0761. Бичими А-3.
Навбатчи: Н.МАҲМУДОВ
1 2 3 4 5 6
Сотувда эркин нархда.
Босишга топшириш вақти: 20.00